

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ТУРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРАҚҚИЁТИ ҲУСУСИДА.

Эргашев Муродбек Икромович

Андижон давлат педагогика институти

Тасвирий санъат ва мусиқа таълими

кафедра муdiri

### Аннотация

Мақолада ўзбек мусиқа маданияти тарихи, чолғу ижрочилиги ва халқ чолғуларининг ривожланиш босқичлари шунингдек, мусиқий асарларнинг инсон маънавий ва маданий ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти, Шарқ олимларининг мусиқий рисолаларида баён этилган чолғуларга тегишли маълумотларни ёритишга эътибор қаратилган.

**Калим сўзлар:** мусиқа маданияти, маънавият, тарбия, халқ чолғулари, мусиқий чолғулар, ўзбек мусиқаси, чолғу ижрочилиги.

### О ходе развития видов узбекских народных инструментов

### Аннотация

В статье основное внимание уделяется истории узбекской музыкальной культуры, этапам развития музыкальных инструментов и народных инструментов, а также воспитательному значению музыкальных произведений в духовно-культурной жизни человека, а также сведениям, связанным с музыкальными инструментами, изложенным в музыкальные трактаты восточных ученых.



**Ключевые слова:** музыкальная культура, духовность, воспитание, народные инструменты, музыкальные инструменты, узбекская музыка, музыкальное исполнительство.

## Abstract

The article focuses on the history of Uzbek musical culture, the stages of development of musical instruments and folk instruments, as well as the educational importance of musical works in the spiritual and cultural life of a person, and the information related to musical instruments described in the musical treatises of Eastern scholars.

**Key words:** musical culture, spirituality, education, folk instruments, musical instruments, Uzbek music, musical performance.

Ўзбек халқининг музика маданияти жуда узок тарихга эга. Ушбу музикаий маданият тарихий тараққиёт давомида халқ мумтоз музикаси, анъанавий касбий музика, халқ бастакорлиги, шунингдек, фольклор - хаваскорлик музикаий мероси сингари шаклан ва услубан бир-бирига яқин ижрочилик кўринишлари бир-бирини тўлдириб келган. Бу музикаий меросимиз бугунги кунимизда ҳам маънавий маданиятимизнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлиб келмоқда.

Мустақиллик шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, унутилаёзган, тарихан қадрли анъаналаримизга бўлган эътибор, уларни янгидан ислоҳ этиш жараёни устивор йўналиш касб этди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ота-боболаримиздан, аجدодларимиздан қолган маънавий бойликларни, жумладан, музикаий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маънавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бизга тарихдан маълумки, маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган музика маданиятимиз, анъанавий кўшиқларимиз, мақом ижролари ҳамisha халқимизнинг кундалик ҳаётида маънавий озуқа сифатида эътироф этиб келинган. Халқ оғир

кунларида мусикадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида ҳам кўшиқ ва мусика уларга ҳамроҳ бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов айтганларидек: “Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топитириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда”.<sup>12</sup>

Зеро, бугунги муборак мустақилликка эришган кунимизда, ўзлигимизни англаб бораётган бир даврда улкан маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган миллий мусиқий маданиятимизга суяниш, миллий чолғуларга мурожаат қилишимиз табиий бир ҳолдир. Буларнинг барчаси баркамол авлод тарбиясида, ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анъанавий мусиқа ва чолғулардан янграган миллий мумтоз куйларимиз одамларни ҳамиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда ҳам шу долзарблигини йўқотмаган ҳолда, кишилар онгини шакллантириш йўлида ҳамда баркамол авлод тарбиясида муҳим омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Маълумки, мусиқий чолғулар халқларнинг моддий ҳамда маънавий бойлигидир. Чунончи, ҳар бир халқ ўз миллий мероси, даврлар оша юзага келган анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этувчи ва халқнинг миллий маънавиятига хос яратилган амалий санъат намуналари орқали уларга мос келувчи чолғуларига эгадирлар. Ўзбек мусиқий чолғулар олами бу хусусда маънан ва моддий нуқтаи назардан бой ҳамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Қолаверса, қайсики халқнинг маънавияти юксак бўлса, унинг тарихи ва унга мос мероси ҳам улкандир.

<sup>12</sup> Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 222-б.





Ўзбек халқ чолғулари ранг-баранг тарзда музиканинг барча тармоқларига мос ҳолда шаклланиб, асрлар оша ривожланиб келган. Ўтмиш алломалари Ал-Фаробий (IX аср) ўзининг “Қатта муסיқа китоби”да, Сафиуддин Урмавий (XII аср) муסיқий рисоласида, Абдулқодир Мароғий (XIV аср) “Жами ал-алхон фи-илм ал-муסיқий” рисоласида, Аҳмадий (XIV аср) “Созлар мунозараси” асарида, Зайнуллобиддин Ҳусайний (XV аср) “Рисола дар баёни қонуни ва амалий муסיқий” рисоласида, Абдурахмон Жомий (XV аср) “Муסיқий рисола”сида, Амулий (XVI аср) “Муסיқа рисола”сида, Дарвеш Али Чангий (XVII аср) “Муסיқий рисола”ларида муסיқий чолғуларни ўрганиб тадқиқ этиш масалаларининг турли томонларига тўхталиб, ўз даврларининг муסיқий чолғулари таснифотини баён этганлар. Ўтмишнинг забардаст шоирлари ўз асарларида муסיқий чолғулар номларини зикр этишда такрор ва такрор мурожаат этганлар. Айниқса, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ўз асарларида муסיқа илмини энг нафосатли илмлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтган.

Тарихий қўлёмалар, адабий асарлар ва муסיқий рисоаларда Ўрта Осиё халқлари амалиётида вужудга келган барча чолғуларининг номлари ўз ифодасини топган. Муסיқий рисоаларда эса чолғуларга тегишли (шакл, тузилиш, торлар нисбатлари, тайёрлаш мезонлари, чолғулар учун ишлатиладиган дарахтлар ва ҳ.к. ҳақида) маълумотлар келтирилган.

Торли чолғулардан: уд, руд, қўбуз, ғижжак, навҳа, нузха, қонун, чанг, рубоб, танбур, дутор;

Дамли созлардан: руҳафзо, шаммома, орғанун, сибизғи, найи анбон, чағона, буламон, сурнай, най, қўшнайн, карнай;

Урма чолғулардан: даф, доира, ноғора, сафоил кабилар ҳақида турли даражадаги маълумотлар келтирилган.



Бу муסיкий чолғуларнинг халқимиз орасида қадим-қадимдан мерос бўлиб келаётганлигидан далолат беради. Улар кўп асрлик тарихга эга, ҳар бири миллий омиллар билан суғорилган.

Муסיкий чолғулар маданий меросни ўрганиш масаласида, замонавий халқ ҳаётидаги аҳамияти ҳамда амалиётда қўлланилиши кесимида ўрганилиши мумкин. Мазкур соҳа батафсил тадқиқот мавзуси сифатида халқ орасида мавжуд чолғуларнинг технологик хусусиятлари ва такомиллашув имкониятларини янги шарт-шароит билан боғлиқликда очиб беришни мақсад қилдик.

Муסיкий чолғулар моддий маданият маҳсулоти ҳисобланиб, маънавий маданиятга ҳам алоқадордир. Чолғуларнинг тузилиши, уларнинг имкониятлари муסיкий тафаккур қонуниятларини ҳамда маълум даражада жамият ривожининг муайян босқичда қарор топган эстетик дидини ҳам акс эттиради.

Шуни назарда тутиш керакки, узоқ ўтмишга нисбатан муסיкий чолғулар ёки уларнинг маданий ёдгорликларда сақланиб қолган тасвирлари жамиятнинг муסיкий ҳаёти ҳақида маълумотларнинг ягона манбаи ҳисобланади. Шу жиҳатдан, муסיкий чолғулар ҳақида узоқ ўтмишдан бизгача етиб келган турли афсона ва ривоятлар ҳам тарихимизнинг муסיкий олами манзарасини чизиб беради.

Муסיкий чолғуларнинг келиб чиқишини ўрганишда Ўрта ва яқин Шарқ муסיкий олами мифологиясига тегишли тотемизм қатламига эътибор қаратиш жоиз. Тотемизм ибтидоий-жамоа тузумининг қадимги даврларида, матриархат ҳукмронлигида юзага келган бўлиб, унинг илк тасаввурлари фаришталар, деғу жинлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар билан боғлиқ бўлган. Ушбу қатламга оид афсоналарда ривоят қилинишича, кунлардан бир куни бир олим саёҳатга чиқиб, дам олиш учун бир дарахтнинг тагига ўтирибди. У шохдан-шоҳга сакраб юрган маймунни кўрибди. Бирдан маймун ўткир шоҳга илиниб, қорни ёрилиб кетибди ва ичаклари иккита шоҳ орасига тортилиб қолибди. Бир оз вақт ўтгач, бу ичаклар қурибди, шамол эсиб, ундан юракни мафтун этувчи тоғуш таралибди. Олим бу ичакларни олиб, қийшиқ тахтага тортиб қўйган экан, ундан яна ҳам гўзал тоғушлар таралибди. Сўнгра у бир неча тор



ясаб, тахта остига ковок ўрнатибди ва натижада мусиқий чолғу дунёга келибди. Бундан кейин ҳар бир олим ўзининг онги ва тафаккурини ишга солиб, бу чолғуни қонун ва ребаб чолғулари ясалгунга қадар турлича такомиллаштирган<sup>13</sup>.

Яна шунга ўхшаш ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, танбур, дутор, най, ғижжак чолғулари тўртта фаришта, яъни, элчи фаришта Жаброил, оламни ҳаракатлантирувчи фаришта Микоил, охирада қарнай чалувчи бўрон фариштаси Исрофил, жон олувчи фаришта Азроилларнинг жонни Одам Ато танасига киритишдаги саъй-ҳаракатлари ва Шайтоннинг аралашуви туфайли вужудга келгандир. Созанда ва меҳтарлик рисоаларида қайд этилишича, улар жаннатдан “дуп”, яъни, тут ёғочини олиб чиқиб чолғуларни ясаган эканлар<sup>14</sup>.

Демак мусиқий чолғуларнинг келиб чиқиши қадим-қадим даврларга бориб тақалар экан, инсоният тараққиётининг барча босқичларидан ўтиб, такомиллашиб борди ва ўрта асрларга келиб илк бора ал-Форобий, ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Дарвеш Али Чангий сингари мутафаккирларнинг рисоаларида илмий жиҳатдан ўз ифодасини топган. Ўрта аср олимларининг асарларидаги мусиқий чолғуларнинг яратилиши, созларнинг технологик тузилиши ва қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда қимматли ҳисобланиб, чолғуларнинг келиб чиқишидан бошлаб, то бугунги кунга қадар бошдан кечирган тараққиётини кузатиш имконини беради.

Умуман олганда, ўрта асрларга оид тарихий материаллар мусиқий чолғуларнинг мавжудлик манзарасини тўлақонли акс эттиради. Бунда илм аҳли (ал-Форобий, ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Дарвеш Али Чангий) мусиқий чолғуларни назарий томонлама таърифлаган бўлса, адабиёт ва санъат аҳли (Навоий, Фирдавсий, Бобур) эса уларнинг амалий тадбиқи, ҳаётдаги ўрнидан ҳикоя қилади.

<sup>13</sup> Зия ад-Дин Нахшабий. Книга попугая (Тути-наме)./Пер.с персидского Е.Э.Бертельса. -М.,1982.

<sup>14</sup> Бу ҳақда батафсил қаралсин: Матёқубов Б. Хоразм достонларининг мусиқий хусусиятлари.//Муסיқа ижодиёти масалалари. -Т.,1997. 31-32б.



Ал-Форобий, Абдурахмон Жомий, Амулий, Дарвеш Али Чангий, Абдурауф Фитрат, Виктор Беляйевлар ўз рисолаларида муסיкий чолғуларга жиддий эътибор билан ёндошиб, уларни амалиётдаги тутган ўрни, айрим ўзига хос хусусиятларини ёритганлар.

Одатда, муסיкий чолғулар ижрочилик амалиётининг турли йўналишларида қўлланилиб келинган. Аввало энг содда чолғулар яратилиб, кундалик ҳаёт тарзида кенг фойдаланилганлигини қайд этиш жоиздир. Бундай чолғулар ҳар бир халқнинг чолғулар дунёсида мавжуд. Айни пайтда ҳам истеъмолда бўлиб келмоқда. Ўзбек халқ ижрочилик амалиётида сақланиб, қўлланиб келинаётган чолғулардан чанг, қўбиз, сибизғи шулар жумласидандир. Бу чолғуларни тайёрлаш ва ижро этиш ҳам оддийлиги билан ажралиб туради.

Даврлар ўтиши, жамият тараққиёти мезонига чолғу созлар ҳам ҳамнафас тарзда ривожланиб, замонага мос такомиллашиб, мукаммаллашиб борган. Тарихий манбаларда, Қулмуҳаммад Удийнинг уд чолғусига тўртинчи сим таққанлиги ёки ғижжак чолғусининг аввал икки торли, кейин учинчи ва тўртинчи торлари тақилганлиги каби маълумотлар айнан чолғулар такомиллашиши билан боғлиқдир. Такомиллашиш жараёнида чолғуларнинг шакл ва тараннум (овоз) мезонларини бойитиш катта аҳамият касб этган. Бу икки мезон чолғуларнинг маънан ва моддий қийматини ҳам белгилашга асос бўлиб хизмат қилган. Зеро, чиройли чолғу гўзал овозга эга экан, у халқ маънавий бойлиги ҳамда мулки эканлигини эътироф этиш лозимдир.

Чолғушунослик илми фанда “органология” деб юритилади ва чолғуларнинг шаклланиши, амалиётда қўлланилиши ҳамда ривожланиш мезонларини илмий асослаб беради. Ушбу фаннинг ривожидида бир қатор Шарқ ва Ғарб олимлари қаторида ўзбек муסיқашунос олимлари ҳам муносиб тадқиқотлар олиб борганлар. Қадимий чолғулар кўпроқ тарихий обидалар орқали кашф этилиб, кейинчалик тарих, адабиёт ва муסיкий рисолаларда баён этилган.





Чолғуларнинг илк тасвирлари қадимги одамларнинг истиқомат жойлари — горларда, қоя тошларда ўйиб чизилган, иморатларнинг пештоқлари, саройларнинг деворий суратлари, сопол идишларга чизилган суратларда ва терракота хайкалчаларида аксини топган. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудларида Афросиёб, Далварзинтепа (Сурхондарё), Варахша (Бухоро), Айритом, Зартепа, Қўй қирилган ва Қўзи қирилган тепалар (Кўхна Урганч), Панжикент каби қадимий жойлар қазилмаларидан топилган чизма сурат ва хайкалчалар шулар жумласидандир. Қадимий суратларда арфа, уд, найсимон ҳамда урма чолғулар акс эттирилган. Мусиқий чолғу ижрочилигига бўлган эҳтиёжни айнан ушбу суратлардан кўриш ҳам мумкин. Суратларда нафақат яқка ижрочилар ёки чолғунинг ўзи акс эттирилган, балки, Айритом қазилмаларидан топилган тарихий обидаларда қадимги Сўғд маданиятига хос ансамбль яъни, бир қатор мусиқачиларнинг чолғуларни гуруҳ бўлиб ижро этаётганларининг акси туширилган.

Мусиқий чолғуларнинг таърифи яъни, уларнинг шакли ва тузилишлари, таркибий жиҳатлари, номлари, ижрочилари билан боғлиқ маълумотлар, асосан ўрта асрлардан бошлаб бадиий адабиёт асарлари ҳамда мусиқий рисоаларда ёритила бошланди. Демак, ўрта асрларга келиб қадимдан шаклланиб ва такомиллашиб келган халқ мусиқий чолғулари ижрочилик амалиётида ўз ўрнини топган. Шу билан бирга нафақат халқ, балки олимларнинг эътиборини ҳам қозонган. Бу жараёни О.Матёкубов “Мақомот” китобида қуйидагича баён этади: “Чолғуларга бундай атрофлича қизиқишлар замирида мусиқий асбоблар ижрочилик фаолиятини объектив акс эттиришдир, деган илмий тушунча ётади. Форобий таъбири билан айтганда, чолғу асбобларининг шаклланиши, аввало, амалиётда юзага келади. Уларнинг тембр-акустик хусусиятлари парда ва товушқаторлари бевосита ижро жараёнида шаклланади ва такомиллашади. Шундан сўнггина чолғулар олимлар кузатуви ва умумлашмаларига замин бўлиши мумкин”<sup>15</sup>.

<sup>15</sup> О.Матёкубов “Мақомот” Т.: 2004





Бунга кўра Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Зайнуллобиддин Хусайний, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғийлар ўз рисолаларида чолғулар ва уларнинг бир қатор сифат ва хусусиятлари хусусида муфассал сўз юритганлар.

Жумладан, Алишер Навоий ўз замонасининг чолғуларини шундай тавсифлайди:

най – “дард ўтига эл беради”;

ғижжак – “чўзиқ нолалар чекиб, ёлборади”;

танбур – “мафтункорлик билан ҳалок этади, унинг ҳаловат пардасини чок этади”;

чанг – “зорланиб, бўғзини чўзади”;

уд - “ёлбориши чангникидан ҳам ортади”;

рубоб – “бошини эрга қўйиб илтимос қилганда”,

қонун - “ноласи кулоққа эшитилади”<sup>16</sup>

Ҳазрат Навоий мусиқий созларга шундай таъриф берар экан, ҳар бир чолғуда инсон киёфасини кўради, ҳар бир чолғунинг хусусиятини инсон руҳияти ва тафаккури билан боғлайди, ҳар бир чолғунинг аҳамиятини одамзод дунёси билан чамбарчас этади. Умуман олганда, ўрта аср мутафаккирларига хос бўлган эстетик дунёқарашга мансуб фалсафийлик, мушоҳадавийлик, фикрга ўта назик бўёқ бериш хусусияти санъат соҳасида, хусусан, мусиқий чолғулар соҳасида яққол акс этади.

Музыка санъатининг бой маънавий жиҳатлари бадиий адабиёт намояндаларини ҳам бефарқ қолдирмаган. Музыка сеҳри, чолғулардан таралган сирли оҳанглар Шарқ бадиий проза ва мумтоз шеърляти, бадиий адабиётида ўзига хос ифодасини топади. Булар беназир чолғу созлар номланиши, ўз даврининг машҳур ижодиёт намуналари,

<sup>16</sup> А.Навоий. Махбуб ул-қулуб. -Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва сан’ат нашриёти-1983

бастакор, созанда ва хонандалар ижоди, халқ мусиқа ижодиёти ва анъаналарида кўринади.

Ўрта асрларда мусиқий жараёнга кўпроқ аҳамият берган адабиёт намояндалари Фирдавсий, Рудакий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий ва Навоийлардир.

Жумладан: Фирдавсий “Шоҳнома”да ёзади:

Йиғилди ақобир, чолғучи, раққос,

Подшо шодлигидан сочар дур, олмос.

Чиқар авжига най, чилдирма саси,

Чириллаб айланар қизлар галаси.

Улуғлар шаънига қадаҳ пайдар-пай,

Саҳаргача тинмас танбур, рубоб, най.

Бундан маълумки най, чилдирма (доира), танбур, рубоб кўхна маданиятимизнинг бир бўлаги бўлиб келган.

Шунга ўхшаш ўрта асрларда яратилган тасвирий миниатюраларда шоҳ хузурида, шоҳона базмларда кўплаб мусиқий чолғулар ижро қилиб турган созандалар ўз аксини топган. Бунда қўлида соз тутган чолғучилар ансамбллари кенг ўрин эгаллайди. XV-XVII аср миниатюралари ва ёзма манбаларини ўргана туриб, маиший ҳаёт, турли йиғинлар ва сарой қабулларида хилма-хил мусиқий чолғуларнинг акс этганини кузатиш мумкин. Бу даврга келиб, Ўрта Осиё ва Хуросонда чолғу ижрочилиги маданияти юксак даражага эришган. Аксарият ҳолларда мусиқачилар оддий ҳунармандлар орасидан чиққан бўлиб, мусиқачилик касби уларга юқори табақага кириш учун йўл очиб берган. Натижада, уд, най, ғижжак, танбур ва қонун ижрочилигида юқори даражага эришган ҳунарманд ёшлар зиёли инсонларнинг шеърӣ ва мусиқӣ мажлисларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Мусиқани тушуниш, унинг хусусида фикр юрита олиш ҳар қандай маърифатли ҳиротлик ёки самарқандлик инсон учун мажбурий ҳисобланган. Бу давр шеърӣятини варақлаганда



турли хил музиқий чолғуларнинг номларини учратиш мумкин. Бунда чолғуларнинг юракда эҳтиросли муҳаббат имкониятини беришга эга эканлиги айтиладики, бу хусусият ўрта асрларда ниҳоятда кадрланган.

Ўрта асрларда музиқий чолғуларга нисбатан бўлган бундай эҳтиром кейинги асрларда ҳам анъанага айланиб, давом этаверди. Табиийки, кейинги ўтган вақт ичида давр тафаккурининг ўзгариши, мамлакатлараро алоқаларнинг таъсири, илм-фан, маданият ва санъат соҳаларининг ривожини натижаси ўлароқ, музиқий созлар ҳам санъат усталари қўлида такомиллашиб, мукамаллик даражасига етиб бораверди.

